


Шерободнинг “Навбур” маҳалласида янги йил байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди



Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила вакиллари, шунингдек, маҳалла нуронийлари қатнашишди. Тадбирда нуронийлар сўзга чиқиб, янги 2023 йил Халқимизга қутлуғ келиши сўраб яхши ниятлар билдиришди. Санъаткорлар томонидан ижро этилаётган бир-биридан ажойиб куй ва қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди. Маълумот ўрнида бугунги кунда маҳаллада 4844 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан "Темир дафтар"га 2 нафар, "Аёллар дафтари"га 48 нафар, ва "Ёшлар дафтари"га эса 17 нафар фуқаролар киритилган.